



Бева аёл ва мискин инсоннинг ҳожатини чиқаришлик учун саъйи ҳаракат қилган киши, ҳудди Аллоҳнинг йўлида жанг қилган мужоҳид ёки тунлари қоим, кундузлари рўзадор инсон кабидир

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қилади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай дедилар: «Бева аёл ва мискин инсоннинг ҳожатини чиқаришлик учун саъйи ҳаракат қилган киши, ҳудди Аллоҳнинг йўлида жанг қилган мужоҳид ёки тунлари қоим, кундузлари рўзадор инсон кабидир».

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳадиси шарифда эри вафот этган, ишларини қиладиган ҳеч кими йўқ, мискин, муҳтож аёлнинг ишларини бажариб, Аллоҳдан савоб умид қилган ҳолда инфоқ қилган кишининг савоби Аллоҳ йўлида жиҳод қилаётган ёки тунлари қоим кундузлари рўзадор бўлган инсоннинг ажри савобичалик бўлишини хабар бердилар.

<https://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/3135>

